Хавзи Кавсарга далил килинган оят кайси?

Хавзи Кавсарга далил килинган оят кайси?

Жавоб

إِنَّا أَعْطَيْنَاكَ الْكَوْثَرَ {1}
«Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик» (Кавсар, 1).
Кўшимча далил.
عَنْ أَنَسٍ - رضى الله عنه - قَالَ لَمَّا عُرِجَ بِالنَّبِىِّ - صلى الله عليه وسلم -
إِلَى السَّمَاءِ قَالَ « أَتَيْتُ عَلَى نَهَرٍ حَافَتَاهُ قِبَابُ اللُّؤْلُؤِ
مُجَوَّفًا فَقُلْتُ مَا هَذَا يَا جِبْرِيلُ قَالَ هَذَا الْكَوْثَرُ «
«Анас (розияллоху анху)дан ривоят. У деди: Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) самога кўтарилганларини айтиб бердилар: «Бир анхор бўйига келдим. Ёнларида луълуъ-маржонларга ўралган гумбаз бор. «Бу нима, эй Жаброил?» дедим. У: «Бу – кавсар» деди» (Бухорий, 4964).
Оиша онамиз (розияллоху анху)дан кавсар хакида сўралганда, у: «Кавсар Набиийингизга ато килинган, киргоклари дурлардан бўлган, идишлари юлдуз мисоли бир ховуздир», деганлар (Бухорий, 4965). Бир гапларида Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам): «Сабр килинглар, мени ховуз бўйида учратасизлар!» деганлар.
Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бир куни табассум килиб чикибдилар. Кулишларининг сабабини сўрашганда, «Инна аътойна кал кавсар» сурасини ўкиб, хозиргина нозил килинганини айтиб, бундай дебдилар:
ثُمَّ قَالَ « أَتَدْرُونَ مَا الْكَوْثَرُ ». فَقُلْنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ
أَعْلَمُ. قَالَ « فَإِنَّهُ نَهْرٌ وَعَدَنِيهِ رَبِّى عَزَّ وَجَلَّ عَلَيْهِ
خَيْرٌ كَثِيرٌ هُوَ حَوْضٌ تَرِدُ عَلَيْهِ أُمَّتِى يَوْمَ الْقِيَامَةِ
آنِيَتُهُ عَدَدُ النُّجُومِ فَيُخْتَلَجُ الْعَبْدُ مِنْهُمْ فَأَقُولُ رَبِّ
إِنَّهُ مِنْ أُمَّتِى. فَيَقُولُ مَا تَدْرِى مَا أَحْدَثَتْ بَعْدَكَ «
«Кавсар нималигини биласизларми?» Сахобалар: «Аллох ва унинг Расули билгувчирок!» дедилар. Ул Зоти шариф дедилар: «Бас, албатта, у Парвардигорим менга ваъда килган анхордир. Унда жуда кўп хайр бор. У бир ховуздирки, унга киёмат куни умматим келади. Унинг идишлари юлдузлар ададича. Банда улардан (хайратидан) титраб кетади. Шунда мен айтаман: «Эй, Роббим, албатта, у умматимдандир». Бас, Аллох айтади: «Сендан сўнг нималар содир бўлганини билмайсан-ку!..» (Муслим, 921).

1 / 1